

6-1-2019

RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD

H. Azimova

Engineering and Economics Institute of Qarshi

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Azimova, H. (2019) "RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 7.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD

This article illustrates the dynamics of the regions based on the positive significance of the overall income of the population in sustaining the well being of the population as a result of the impact of reforms on raising the level of income.

Keywords. The welfare of the population, living standard of population, social policy, entrepreneurship, business activity, family business, private property, real incomes, nominal earnings, total incomes.

In order to improve the standard of living of the population of the Republic of Uzbekistan and reduce social problems among the population, special attention is paid to the income of the population in the modern market economy. It is based on the level of personal income and family income of members of society in order to meet people's needs. The high rates of sustainable economic development have provided a solid basis for the further growth of the population's income and improvement of the quality of life. Wide opportunities have been created for salaries of employees of budget organizations, pensions and scholarships, real income per capita, and business income. Because the emphasis is on reducing social stratification of society, it is important that there are no rich or poor people and effective reforms are being implemented to reduce social stratification. As the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev noted, “per capita income for the last five years has increased by 2.5 times, washing machines 1.5 times, TVs and refrigerators 1.3 times. It certainly shows a steady rise in the standard of living and quality of life and encourages us to continue the reforms we have started”¹.

Despite the wide-ranging measures being undertaken to reach every member of society, there are still challenges to improve, such as improving living standards, regulating incomes, increasing incomes and preventing poverty. In a market economy, revenues play an important role, a new approach to it: a close relationship between property and income levels, the definition of income as an economic function, the role of production factor as a source of income, and the importance of wages as a major part of earnings. Justification of new approaches to the modern concept of remuneration, the study of the relationship of income with other economic categories, Determining the role of the individual in the socio-economic development of society requires the study of its role in strengthening the stability of society.

Indeed, the implementation of theoretical, methodological and organizational issues, aimed at the income of the population, in order to ensure the welfare of the population and improve their quality of life in the market economy, is very important. “Income” is an indicator that reflects the results of economic activity, it is multifaceted and complex. Because income can simultaneously represent revenues, cash, products received as a result of any activity, as well as economic benefits and other concepts. In 2017, the average gross income per capita in the Republic of Uzbekistan will reach 5.8 million. (real growth - 10.3%). Also, the average per capita income in Tashkent city (UZS 12 675.6 thousand), Navoi region (UZS 9,084.2

¹Sh.M.Mirziyoyev "We build our great future together with our brave and noble people." NMIU “Uzbekistan”, 2017

thousand), Bukhara region (UZS 6,774.2 thousand) and Tashkent region (UZS 6,076.4 thousand) were also registered. higher than the national average. The highest real per capita income growth rate was in Khorezm region (16.8%). In addition, the real per capita incomes in Andijan (14.7%), Surkhandarya (14.5%), Namangan (13.7%), Samarkand (11.5%) and the Republic of Karakalpakstan (11.1%) were also recorded. It was noted that the growth was higher than the national level. In 2018, average per capita income in the Republic of Uzbekistan will reach 8.7 million. (real growth - 8.4%). Tashkent city's average per capita income (16.3 million soums), Navoi (13.6 million soums), Bukhara (10.8 million soums), Tashkent and Khorezm (9.1 million soums) were also reported) higher than the national average. The highest real per capita incomes were in Khorezm and Surkhandarya regions (11.3%). Considering how much of the state budget has been created, including tax revenues, with the aim of creating greater conveniences for our people through the reduction of taxes, the result is a positive impact on the well-being of our people. According to the new tax concept, starting January 1, 2019, the individual income tax will be 12% (earlier the income tax would be 7.5% up to 5 times the minimum wage, 16.5% 5 times the minimum wage 22, 5% of tax rates were considered), and 8% of citizens' deductions to mandatory insurance premiums were canceled². As a result, the income of the population will increase by 6.5% as a result of the reduction of the corporate income tax. As a result of these changes, positive changes in the income of the population will occur. In conclusion, one of the main goals of social and economic reforms in the country is to ensure the welfare of the population, improve their quality of life and achieve sustainable development of the social sector. The essence of economic reforms and strong social policy in our country is to create favorable conditions for the protection of human interests and optimization of the incomes of the population. There are so many opportunities for cultural leisure. Based on the data presented above, it is possible to make the following conclusions and suggestions based on the content of the analytical materials, by examining the importance of income for the welfare of the population. First, the well-being of the population is a continuously changing indicator, one of the reasons being the gradual increase in wages, pensions and scholarships in the income of the population, as well as the monitoring of the programs aimed at improving the welfare of the population in the regions. In today's market economy, it is advisable to improve the system of advanced employment service organizations that regulate supply and demand for the workforce. It is also necessary to develop corporate entrepreneurship in the regions with the use of foreign experience. For example, the development of this sector in foreign countries, such as England, Denmark, the Netherlands and other European countries, contributed to the growth of regional economies and incomes³.

(Full article is available in Uzbek)

²Sh.M.Mirziyoev Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Concept of Improvement of Tax Policy of the Republic of Uzbekistan” No PF-5468, 2018 June 29th.

³Dari T, Oyuna B. The Chinese Model of Modernization – Nature, Historical Stages, Sociocultural Characteristics. Procedia - Soc Behav Sci. 2015;166:670-674. doi:10.1016/j.sbspro.2014.12.594

**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
“Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси катта ўқитувчиси Азимова Хулқар
Эгамбердиевна, “Молия” йўналиши 2-босқич
талабаси Самадов Ортиқ**

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ – ТУРМУШ ФАРОВОНЛИКГАРОВИДИР

Мақолада аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда, аҳоли умумий даромадларининг аҳамияти, даромадлар даражасини ошириш бўйича олиб борилган ислохотларнинг таъсири натижасида ижобий аҳамияти асосланган бўлиб, ҳудудлар бўйича динамикаси кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Аҳоли турмуш фаровонлиги, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий сиёсат, тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, оилавий тадбиркорлик, хусусий мулк, реал даромадлар, номинал даромадлар, умумий даромадлар.

ПОВЫШЕНИЕ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ-КАК ЗАЛОГ БЛОГОСОСТОЯНИЕ

В статье уделено внимание состоянию динамики на основе регионов, воздействию положительных результатов на основе проводимых реформ повышению прибыли, а также значению общей прибыли населения, которая оказывает значение в создании благосостояния уровня жизни населения

Ключевые слова. Общественная жизнь, уровень жизни, социальная политика, предпринимательство, деловая активность, семейный бизнес, частная собственность, реальный доходы, номинальный даход, общий даход.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, аҳоли ўртасидаги ижтимоий муаммоларни камайтириш мақсадида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кишилар эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлар даражасига боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришилганлиги аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар, аҳоли жон бошига реал даромадлар, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар даражасини оширишга кенг имкониятлар яратилди. Чунки

жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, содда қилиб айтганда, ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслигини, аҳоли ўртасида ижтимоий табақалашув даражасини камайтириш мақсадида самарали ислохотларнинг олиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бунинг тасдиғини кейинги беш йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар 2,5 баробар ошгани, 2011 йилга нисбатан ҳар юз хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони 2,3 марта, пилесослар 6,8 карра, кир ювиш машиналари 1,5 марта, телевизор ва музлатгичлар 1,3 баробар кўпайгани мисолида кўриш мумкин. Бу албатта одамларнинг турмуш даражаси ва сифати изчил ўсиб бораётганини кўрсатади ва бизни бошлаган ислохотларимизни янада изчил давом эттиришга ундайди”[1].

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар қанчалик кенг кўламли ва жамиятнинг ҳар бир аъзосини қамраб олишга йўналтирилганлигига қарамасдан, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, даромадларни тартибга солиш, даромадлар даражасини ошириш ва кам таъминланганликнинг олдини олиш каби борасида амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар етарли бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар ўзгача аҳамият касб этиб боради, унга янгича ёндашув бир қатор долзарб масалалар: мулк ва даромадлар даражасининг чамбарчас алоқаси, даромадларнинг мулкнинг иқтисодий функцияси сифатида аниқланиши, даромадлар манбаи сифатида ишлаб чиқариш омили ролини ва пул даромадларининг асосий қисми сифатида иш ҳақининг аҳамиятини тадқиқ этиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий концепциясига янгича ёндашувларни асослаш, даромадларнинг бошқа иқтисодий категориялар билан ўзаро алоқасини тадқиқ этиш, даромадларнинг жамият иқтисодий-ижтимоий ривожига ролини аниқлаш, унинг жамият барқарорлигини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини ўрганишни талаб қилади.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда уларнинг турмуш сифатини яхшилаш мақсадида аҳоли даромадларига қаратилган назарий-методологик ва ташкилий масалаларни амалга оширилиши ўта долзарб аҳамият касб этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аҳоли даромадларини ошириш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларида бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг аҳамияти, юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг инсонларнинг яхши турмуш тарзини шакллантиришга қаратилганлиги ҳамда ижтимоий масалаларга эътибор қаратишнинг зарурати ва уларнинг асосий таркиби кўрсатиб ўтилган. Бозор иқтисодиёти талабларига асосан аҳоли даромадларини босқичма-босқич ошириб боришнинг муҳимлиги, аҳоли турмуш даражасининг хорижий тажрибалари В.И.Видяпин, А.И.Добринина, Н.В.Пахомова, А.И.Кузнецова,

В.Д.Камаев,С.С.Носова,Н.М.Розанова, А.М.Орехов каби олимларнинг илмий ишлари ва мақолаларида ўрганилган.

Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда аҳоли даромадларининг иқтисодий мазмуни, уларнинг таркиби, даромадларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири, даромадлар тенгсизлиги бўйича билдирилган фикрлар таҳлил этилиб, тенгсизлик ва самарадорлик ўртасидаги нисбат масалалариҚ.Х.Абдурахмонов,Ш.Р.Холмўминов,Ш.Ш.Шодмонов,У.В.Ғафуров, А.В.Ва-хобов,Ҳ.П.Абулқосимов, Б.К.Ғойибназаров, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғофуров, Н.К.Муродова, Қ.Муфтайдинов, А.А.Кулматов[2], уй хўжаликларининг фаолиятини бошқариш механизми муаммолари И.У.Ибрагимов, Р.Ходжаев, Ф.Қ.Шоюсупова, А.Эгамбердиев[3]ларнинг монография, дарслик, ўқув қўлланма, илмий-услубий ишлари ва илмий мақолаларида тадқиқ этилган. Юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқотларида аҳоли даромадларини шакллантиришнинг концептуал, назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил этиш ва бозор иқтисодиётининг қонуниятига мувофиқ равишда татбиқ этилишига қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар амалга оширилган илмий ва амалий тадқиқот ишлари ва олиб борилган назарий изланишларга қарамасдан, айнан бугунги глобал иқтисодиёт шароитида аҳолидаромадлари ва харажатларини кенг қамровли статистик таҳлил қилишни такомиллаштириш, шунингдек, уй хўжаликларининг иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи омилларни статистик моделлар асосида баҳолашга қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР


“Даромад” иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланиб, у серқирра ва мураккаб мазмунга эга ҳисобланади.Чунки даромад бир вақтнинг ўзида бирон бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларини, натурал кўринишда олинган маҳсулотларни, шунингдек, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаш мумкин.[4].

Бу ўринда аҳолининг шахсий даромади етакчи ўринни эгаллаб, аҳоли шахсий даромадини қуйидагича таърифларини келтириш мумкин. Шахсий даромадлар-бу инсон томонидан пул ва табиий шаклда олинган, улар томонидан турмушнинг муайян даражасини таъминлаш учун маблағлар мажмуидир.Агар “Шахсий даромадлар” таърифида биз уларнинг шаклланиш манбаларини ифодаласак, унда қуйидагича намоён бўлади. Шахсий даромадлар фуқароларнинг меҳнат фаолиятида иштироки, ишлаб чиқариш ва бошқа бойликларнинг исталган турига эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ушбу давлатнинг қонуний ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий трансфертлар тўлови қўйилган ижтимоий гуруҳларга тегишлилик билан боғлиқ барча пул ва табиий тушумлар йиғиндисини ташкил этади.Яъни, даромад умумий тушунча бўлиб,унинг таркибида аҳоли даромадлари етакчи ўринни

эгаллайди. Аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумлар миқдорини англади. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад, нафақа, пенсия, стипендия, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинган даромадлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади. Етарли даражада таъминланган аҳоли даромадларининг мавжудлиги аҳоли фаровонлигини юксалтиради ҳамда муҳим ҳисобланган ижтимоий вазифаларни ҳал қилинишига замин яратади. Аҳоли даромадлари деганда, унинг таркибида етакчи ўринни эгалловчи иш ҳақини ошириб бориш, бозор муносабатлари шароитида ижтимоий табақалашувни пасайтириш, инфляция даражаси ва нарх барқарорлигига эришиш каби давлатнинг муҳим вазифаларини бажарилишини таъминлаш билан бир қаторда хуфёна иқтисодиётга чек қўйиш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Иқтисодчи олим Қ.Х. Абдурахмонов, Ш.Р. Холмўминовнинг фикрига кўра, даромадлар шаклланиши ва табақаланишига кўра: ижтимоий-иқтисодий эркинликка бўлган интилиш; даромад келтирувчи мулкка эга бўлиш, уни тасарруф этиш ва ишлатиш; бозор иштирокчиларининг имконият даражасида кам ресурс сарфлаб кўпроқ даромад олиш ва фаровон ҳаёт кечиришга бўлган ҳаракати каби иқтисодий эркинлик омиллари орқали таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти талабларига биноан, аҳоли даромадлари ўртасида табақалашув юзага келиши табиий ҳол ҳисобланади.

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини босқичма-босқич ва муттасил тарзда ошириб бориш, унинг аҳоли ялпи даромадларидаги улушининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик ва уни барқарор даражада сақлаиб қолишини таъминлаш чора-тадбирлари аҳоли даромадларининг тез суръатлар билан ўсишида муҳим ва сезиларли роль ўйнайди. Бозор иқтисодиёти тенг имкониятлар беради, аммо бу имкониятлардан фойдаланиш турли хил бўлганидан объектив тарзда аҳолининг турмуш даражаси фарқланади ва бу даромаднинг ҳар хиллигида намоён бўлади. Даромаднинг кўп ёки оз бўлиши энг аввало инсонларнинг меҳнат қилиш қобилиятига, уларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлиб, уларнинг даромадлар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Аҳоли даромадларини изоҳлар эканмиз, уларнинг мавжуд турларини маълум белгилар бўйича қуйидагича таснифланганини кўришимиз мумкин[5].



3-расм. Аҳоли даромадлари таснифи[6].


Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадлари таркибида бир қатор ўзгаришлар рўй беради. Мулкчилик муносабатларининг тубдан ислоҳ қилиниши, хўжалик юритиш ва меҳнат бозори ва сармоя янги шаклларининг юзага келиши аҳоли даромадлари таркибида таркибий ўзгаришларни юзага келтиришини белгилайди. Даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаради. Бугунги кунда мазкур масалада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадни оптималлаштириш мақсадида солиқ тизимида ҳам аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 57-58,0 фоизга яқин қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ҳамда ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги, айтилиши вақтда мазкур маблағларнинг асосий қисми таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданий соҳаларни ривожлантириш, ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масалалари ислохотларимизнинг асосий марказида эканлигидан далолат беради. Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид

харажатлар 2012-2018 йилларда жами бюджет харажатларининг 58,9-57,9 фоизини ташкил этганлиги, мазкур соҳага сарфланаётган харажатлар номинал миқдорларда ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши кўпроқ жамиятдаги тадбиркорлик фаолиятига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Чунки тадбиркорлар бозор талабларига тезда мослашувчан бўлиб, улар халқимизни турли истеъмол товарлари ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдек муҳим масалани ҳал этилишида имкон яратади, уларнинг даромад олиш манбаига айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилиб, унинг меъёрий ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилмоқда.

Бу борада, Президентимиз таъкидлаганларидек: “2019 йилда 940 минг аҳоли бандлигини таъминлашга Давлат буюртмаси берилади, шундан, 400 мингта доимий иш ўринларини ташкил этиш лозим (2018 йил дастури бўйича-346,7 мингта) яратилаётган иш ўринларида ва аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилади” [7]. 2018 йилда қабул қилинган “Ҳар бир оила-тадбиркор” ҳамда “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастурлари доирасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун катта имтиёзлар берилганлиги натижасида, ҳозирги даврда ишсизлик иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9 фоизни ташкил этмоқда. Лекин доимий ишламоқчи бўлган, аммо имкони бўлмаганлиги сабабли вақтинчалик, мавсумий ишларда ишлаётган ёки иқтисодий нофаол бўлиб турган шахслар 20 фоизгача кўтарилади.

Хусусан, 2018 йили юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,1 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса ЯИМ ўтган йилга нисбатан 3,5 фоизга ошди. Аҳолининг реал даромадлари 20 фоизга кўпайди ҳамда 2018 йилда республика бўйича 372 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бу борада ҳудудларда ҳам аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида салмоқли ишлар йўлга қўйилмоқда. Биргина Қашқадарё вилоятини олиб қарайдиган бўлсак, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 9684 та жами 149,2 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 2019 йил давомида вилоятда 23854 та янги иш ўрни яратилиши назарда тутилган бўлиб, банк кредитлари ҳисобидан эса 14541 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.




1-расм. 2017 -2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари (минг сўмда)[8].

1-расм маълумотларидан кўриниб кўриниб турибдики, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари 5,8 млн. сўмни ташкил этди (реал ўсиши – 10,3%). Шунингдек, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳри (12 675,6 минг сўм), Навоий (9 084,2 минг сўм), Бухоро (6 744,2 минг сўм) ва Тошкент (6 076,4 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш кўрсаткичи Хоразм вилоятига (16,8%) тўғри келди. Шунингдек, Андижон (14,7%), Сурхондарё (14,5%), Наманган (13,7%), Самарқанд вилоятлари (11,5%) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (11,1%) аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юқорини ташкил этганлиги қайд этилди. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар 8,7 млн. сўмни ташкил этди (реал ўсиши - 8,4%). Шунингдек, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳри (16,3 млн. сўм), Навоий (13,6 млн. сўм), Бухоро (10,8 млн. сўм), Тошкент ва Хоразм (9,1 млн. сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш кўрсаткичи Хоразм ва Сурхондарё вилоятларига (11,3%) тўғри келди. Шунингдек, Жиззах (11,1%), Бухоро (9,9%) вилоятлари Қорақал-поғистон Республикасида (9,5%), Фарғона (9,2%), Навоий (8,8%) ва Самарқанд (8,5 %) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юқорини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартибтаомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5409-сон Фармониға мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларға кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Аҳоли ихтиёридаги даромад - умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобға олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалиғиға бошқа уй хўжалиғи томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.



2-расм. 2018 йилда аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар[9]

2-расм маълумотларига кўра 2018 йилда аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар 262,4 трлн. сўмни (реал ўсиш суръати – 109,2%), аҳоли жон бошиға ихтиёридаги даромад эса 7963,3 минг сўмни (реал ўсиш суръати – 107,3%) ташкил этди. Аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг асосий улуши Тошкент шаҳри (12,1%), Самарқанд (10,5%), Тошкент ва Андижон (9,2%), Фарғона (8,9%) вилоятлари ҳиссасиға тўғри келади. Камроқ улушға эға бўлган ҳудудлар Сирдарё вилояти (2,3%), Жиззах (3,8%) вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (4,1%) ҳисобланади.

Давлат бюджетининг асосий қисмини солиқлардан келадиган тушумлар ташкил этилиши билан бир қаторда, солиқларни камайтириш ҳисобиға халқимизға кенг қулайликлар яратиш мақсадида энгилликлар жорий этилганлиғи, натижада эса халқимиз турмуш фаровонлиғида нечоғлик ижобий аҳамият касб этганлиғини куйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз. Янги

нашрдаги солиқ концепциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз аҳолисига жуда катта қулайликлар яратди, десак муболаға бўлмайди. Янги солиқ концепциясига асосан, 2019 йил 1 январдан бошлаб, жисмоний шахслар даромад солиғинининг 12% этиб белгиланганлиги (аввал даромад солиғи энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваригача 7,5 %, 5 баравардан 10 бараваргача 16,5 %, 10 баробаридан юқори бўлганда 22,5 % солиқ шкалалари ҳисобга олинар эди), фуқароларнинг 8%лик мажбурий суғурта бадалига ажратмалари бекор қилинди [10]. Натижада жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар камайтирилиши натижасида аҳоли даромадлари 6,5%га ошади. Бу каби ўзгаришларни амалга оширилиши натижасида аҳоли даромадларида ижобий ўзгаришлар рўй беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг турмуш сифатини ошириш ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг барқарор ривожланишига эришиш ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий моҳияти инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли даромадларини оптималлаштириш натижасида ижобий қулайликлар яратилишини таъминлайди. Таъкидлаш лозимки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишини ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтларини маданий тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, аҳоли фаровонлигини таъминлашда аҳоли даромадларининг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўрганган ҳолда, хусусан, тахлилий материаллар мазмунига асосланиб қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, аҳоли фаровонлиги даражаси узлуксиз ўзгариб турувчи кўрсаткич ҳисобланади, унинг сабабларидан бири сифатида аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи, пенсия, стипендиялар миқдорининг босқичма-босқич ошириб борилаётганлигини келтириш мумкин, шунингдек ҳудудларда аҳоли фаровонлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини олиб бориш ўзининг ижобий самарасини беради. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи ривожланган бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, хориж тажрибасидан амалий фойдаланган ҳолда ҳудудларда корпоратив тадбиркорликни ривожлантириш зарур. Мисол учун хориж мамлакатларидан Англия, Дания, Нидерландия ва бошқа Европа мамлакатларида айнан шу соҳани ривожлантириш ҳудудлар иқтисодиётини ва аҳолиси даромадини ошишига имкон яратган [11].

Иккинчидан, ҳудудларда янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадини кўпайтириш ва маҳаллий бюджетга қўшимча маблағ тушириш имконини беради[12]. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорлик соҳалари учун кенг имкониятлар амалда қўлланилаётган бўлса-да, бу тадбирлар ҳудудларда самарали ташкил этилмаганлиги кўриниб қолмоқда. Шу мақсадда ҳудудларда кўчма маслаҳат шахобчаларини ташкиллаштириш ҳамда шу орқали ҳудудлардаги чекка қишлоқларда фаолият олиб бориш ва имтиёздан оқилона фойдаланиш ҳуқуқий базаси бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш зарур бўлади.

Учинчидан, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидаги фикрларини жонлантиришни, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини қаттиқ назоратга олишни, ҳудудларда янги иш ўринларни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг даромадларини оширишга янада кенгроқ имконият яратиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 йил
2. Абдурахмонов Қ.Ҳ. “Меҳнат иқтисодиёти” Дарслик.-Т.,”Меҳнат” 2009 йил.441б.; Абдурахмонов Қ.Ҳ., Холмўминов Ш.Р. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” Ўқув қўлланма, Т.:ТДИУ 2004.58 б.;
3. Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 бет.
4. Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишлари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2008.-145 бет.
5. Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. - Т.: Фан нашриёти, 2005. – 125 бет.
6. Расм муаллиф томонидан манбалардан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган.
7. Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис Сенатига Мурожаатнома. “Халқ сўзи” газетаси 2018 йил. 29 декабр.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларига таянилган ҳолда ишлаб чиқилган.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларига таянилган ҳолда ишлаб чиқилган.
10. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони, 2018 йил. 29 июн.

11. Dari T, Oyuna B. The Chinese Model of Modernization – Nature, Historical Stages, Sociocultural Characteristics. *Procedia - Soc Behav Sci.* 2015;166:670-674. doi:10.1016/j.sbspro.2014.12.594

12. Мирзиёев, Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.- 67 бет.